

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЭКОЛОГИК- МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИ

*Н.Шодиев (СамДУ профессори),
Ф.Раджабова, Д.Сулаймонова (СамДУ магистрантлар)*

Мақолада ўқувчиларни маънавий ва экологик тарбиялаш бўйича дарсларда амалга оширилаётган ишлар синфдан ташқари машғулотлар билан уйғунлаштириш, экскурсиялар, фан тўғараклари, мавзули кечалар, танловлар, учрашувлар, суҳбатлар каби синфдан ташқари машғулотларнинг улуг аجدодларимиз қолдирган бой меросни ўқувчилар кўз ўнгиде уйғотиш ҳақида сўз юритилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “...миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси...асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий...фазилатларини ривожлантириш” алоҳида таъкидланган.

Шу муносабат билан ушбу ишда бошланғич таълим ўқув режасига киритилган табиий-математика фанлари ўқув дастурлари ва дарсликларининг ўқувчиларни маънавий тарбиялаш бўйича имкониятлари таҳлил қилинади.

Ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича юқорида кўрсатилган таълим жараёнининг ўқув дастурларида ва дарсликларида ўқувчиларни маънавий тарбиялаш вазифасига алоҳида урғу берилмаган бўлсада, аммо уларнинг аксарият кўпчиликлари мавзу ва саволлари мазмунига маънавий йўналтирилган материални сингдириш бўйича кенг потенциал имкониятлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Қуйида табиий-математика предметлари бўйича дарсларда ўқувчиларда маънавий тарбия элементларини шакллантириш ишини олиб боришга билвосита йўналтирилган мавзу, саволлардан айрим намуналарни келтирамиз: “Фойдали қазилмалар”, “Ўсимликшунослик”, “Ҳайвонот олами” “Жонажон ўлкамиз - Ўзбекистон” бобида “Тоғли ерлар”; “Табиатнинг хилма-хиллиги” бўлимида “Чўллар”, “Чўл табиатини инсон томонидан ўзгартириши”, “Чўл аҳолисининг машғулоти”, “Тоғлар табиати” ва ҳ.к “Арифметика амаллари” бўлимида “Рақамлаш”, “10 сони”, “Соннинг каррадаги ўрни”, “Бурчак. тўғрибурчак”, “Кўпбурчак”; “Фойдали қазилмалар” бўлимидан “Темир”, “Мис” ва ҳ.к.

Жумладан математикани ўқитиш жараёнида ўқитувчи математика фани илк бор моварауннахрлик алломаларимиз томонидан яратилганлигини, сонлар ва улар устида амаллар ўз вақтида халқимизнинг эҳтиёжидан келиб чиққанлиги, яъни савдо-сотик, тижорат ишларида, мерос тақсимлашда, бировнинг ҳаққига кўз олайтирмаслик барча инсонлар томонидан тан олинганлигини ўқувчиларга мунтазам равишда тушунтириб бориш орқали уларда маънавий ва экологик тарбия элементларини таркиб топтириш жоиз.

1-синф математика таълими мазмунида “Сантиметр. 1. Кесмаларни ўлчанг, 2. Тасмаларни ўлчанг. Кесмаларнинг узунлигини ўлчанг...” саволларини баён қилишда ўқувчиларни тарихий материаллар билан таништириб бориш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ўқувчиларга узунлик ўлчови – сантиметр (метр) билан таништиришда унинг келиб чиқиш тарихи ўқувчиларда беихтиёр қизиқиш уйғотади. Илгари савдогарлар ўз дўконларига мумкин қадар бўйи паст кишиларни хизматга олишга ҳаракат қилганлар. Чунки узунлик ўлчови стандартлаштирилмагани учун газламалар “билаклаб” ўлчанган. Шу боис бўйи узун сотувчиси бўлган дўкондор ютказган, харидор эса ютган.

Табиатшуносликни ўрганиш ўқувчилар маънавияти ва экологик билимларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” номли асарида таъкидлаганидек, “Табиатга яқинлик, жонажон ўлкани бениҳоя гўзаллигидан барҳаманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради”.

Бошланғич мактаб табиатшунослик дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларда бой тарихимизга ҳурмат, Ўзбекистоннинг буюк келажигига ишонч, мустақиллигимизга садоқат руҳида тарбиялаш вазифаси таълим жараёнида ўқувчидан илмийлик, тарихийлик, ўлкашунослик каби принциплардан ўринли фойдаланишни тақоза этади.

Масалан, “Табиат муҳофазаси” бўлимида инсон билан табиатнинг бир-бириги боғлиқлиги устида тўхталиб, Ер ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, унинг тозаллигини сақлаш туқрисида ибратомус ишларни қилиш ҳар бир инсон учун экологик маънавий мезон бўлганлигига бой тарихимиз гувоҳлик беришига ўқувчилар диққатини алоҳида жалб қилиш керак. Ушбу мақсадда бундан 3 минг йил олдин ёзилган “Авесто” китобини аجدодларимизнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича дунёнинг бошқа халқларига қараганда бой ҳуқуқий маданиятга эга эканлигидан далolat берувчи манба сифатида ўқувчиларга тушунтириш жоиздир. Чунки мазкур китобда экологик муаммолар унда баён қилинган қонун ва қоидалар асосида ҳал этилган. Улуғ аجدодларимизнинг жаҳонда биринчи бўлиб бу соҳадаги тарбияни бошлаб берганликларини ўқувчиларга аниқ мисоллар билан кўрсатиш уларга беихтиёр бой тарихимиз, қадриятларимизга меҳр, садоқатни тарбиялайди, ҳамда “инсоннинг бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асраш бурчидир”...”Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши Исо қамчи уруш жазосига маҳкумдир” тартиб қоидага амал қилишга даъват этади.

Ушбу соҳада бошланғич синф ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида табиий-математика фанлари бўйича мавзули режада мазкур фанлар бўйича ўқувчиларни маънавий тарбиялашга йўналтирилган имкониятлардан айрим намуналарни келтирамиз (1-жадвал).

№	Мавзу	Маънавий йўналтирилган таълим мазмуни
1.	Жонажон	Ўқувчиларга ўзлари яшаб турган вилоятдаги ўсимликлар билан

	Ўлкамиз — Ўзбекистон: сиз яшаб турган вилоят	таништириш жараёнида уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти (ёввойи ем-хашак ўсимликлар, доривор ўсимликлар ва истеъмол қилинадиган ўсимликлар), мустақил Ўзбекистон Республикаси бойлигининг катта қисми майдоний ўсимликларни парвариш қилиш, мустақиллик йилларида ўзбек селекционер олимларининг технологик жиҳатдан мукаммал навларни яратиш бўйича эришган ютуқлари ҳақида маълумотлар бериш орқали уларда Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонч туйғусини уйғотиш; Ўқувчиларда ўсимликлар тириклик манбаи эканлигини уқтириш баробарида, кийим-кечак саноатида хом-ашё сифатида қўлланиладиган ўсимликлар (пахта, какнон, пилла ва ҳ.к.), озик овқат саноатида ишлатиладиган ўсимликлар (чигит, буғдой, кунгабоқар, зиғир, бодом, ёнғоқ, олма ва ҳ.к.)дан тайёрланадиган маҳсулотлар; Қадимда аجدодларимиз ўсимликлар (ялпиз, жағ-жағ, эрмон ва ҳ.к.)сомса, манти, чучвара, бичак каби таомлар тайёрлаб истеъмол қилиб келганлари, улар инсон организмни турли витаминлар билан бойитиб унга куч-қувват берганини кўрсатиш орқали ўқувчиларнинг маънавий савиясини бойитиш.
2.	Тоғлар табиати: тоғдаги захарли ўсимликлар.	Улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино томонидан беморда оғриқни қолдири , беморни чуқур хушсизлик ҳолатига кириши учун тутун ҳосил қилувчи бангидеавона , алоэ хом шоҳидан; яралардаги қуртларни ўлдиришда барг ширасидан; тишни даволашда равочдан фойдаланишни; тиш оғриғи ва кулоқ оғриғини даволашда анор уруғини асал билан бирга қўллашни; иштаҳани очиш ва ични юмшатиш учун шафтолини истеъмол қилишни тавсия қилганлигини кўрсатиш орқали ўқувчиларда ботаника фани тарихига қизиқиш уйғотиш, аجدодлар руҳига содиқ бўлиш
3.	Сув ҳавзаларининг ўсимликлари.	Ўзбек биолог ва физик олимлари томонидан сув ўтларини Қуёш нурларини бир жойга тўпловчи восита ёрдамида импульсли нгурлантириш орқали уларни жадал ривожлантиришга; ватанимиз биолог олимларининг “сув ўти” компоти билан ишланган тут баргини пилла қуртига едиримлигини ошириш орқали унинг тўқ пилла ўрашига эришганликларини кўрсатиш орқали ўқувчиларни буюк келажагимизга ишонч руҳида тарбиялаш.
4.	Табиатнинг хил-хиллиги: чўл ўсимликлари	Она табиатга тўраларча муносабатда бўлиш туфайли Орол денгизининг қуриб қолган ўзанидан тўхтовсиз чанг ва туз кўтарилишини олдини олиш, кум ва туз-чангларни кўчиб юриш йўлини кақолатли тўсиш мақсадида ўзбек ботаник ва селекционер олимлари, ўрмончилари ва бошқалар томонидан саксовул, черкез, қандим, изен ва ҳ.к. дарахт, бутуларнинг чўлбоп навларини яратиш билан парвариш қилиш бўйича тўпланган такрори йўқ тажриба; Қорақум, Қизилқум чўлларининг қоракулчилик жадал ривожланган худудлари яйловларида кўйларга меъёридан ортиқ миқдорда ва такрор-такрор боқилиши натижасида уларда чўлланиш жараёнининг бошланишини олдини олиш мақдасида емишбоп (изен, шувок, қандим, саксовул ва ҳ.к.) ўсимликлар майдонини ташкил қилиш бўйича республикамиз ботаниклари ва ўрмончилари ютуқлари

		билан ўқувчиларга таништириш орқали уларни Она табиатга, Она ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш.
5.	10 сони. Сонларнинг қатордаги ўрни	Буюк ватандошимиз ал-Хоразмий дунёда биринчи бўлиб ўнлик санок системасининг асосий принципларини ишлаб чиққанлиги.
6.	Рақамлаш. Арифметик амаллар. Қўшиш ва айириш	Улуғ аллома ал-Хоразмий ўзининг “Алжабр ва муқобила” номли рисоласида дунёда биринчи бўлиб қўшиш ва айириш, қўпайтириш ва бўлиш амалларини қўллашни дунёга тарқатганлиги ҳамда ўзининг мазкур асари билан математика фанига алгоритм киритганлиги; бутун дунё халқлари ушбу тушунчадан фойдаланаётганлиги. Ал-Хоразмий мусбат ва манфий сонларни ҳозиргидек, “плюс” ва “минус” тушунчалари билан атамаганлиги, уларни қўшиш ва айириш маъносида “Қўшилувчи” ва “Айирилувчи” сонлар номи билан атаганлиги; Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи XV асрда Ал-Хоразмийнинг “Қўшилувчи” ва “Айирилувчи” сонлар ҳақидаги фикрини ривожлантириб, фанга биринчи бўлиб “Мусбат “ ва “Манфий” атамаларни киритганлиги.
7.	Қўпайтириш ва бўлиш: икки хонали ва уч хонали сонларга бўлиш.	Улуғбекнинг “Самарқанд академияси” етук намоёниси Жамшид Коший томонидан фанга биринчи бўлиб ўнли каср тушунчаси киритилганлиги, унинг “Арифметика калити” асарида ҳисоблаш ишларини олиб борувчилар, ер ўлчагичлар ҳукукшуносларнинг талабларига мослаштирилганлиги.
8.	Геометрик фигуралар	Абул Вафо геометрик яшашларда зарур бўлган чизғич, циркул, гўния каби асбоблардан қандай фойдаланиш усуллари ҳамда кесма, бурчакларни, айланаларни тенг бўлақларга бўлиш каби элементар яшашлар билан боғлиқ мавзуларни жойлаштириш кетма-кетлигини ҳунармандларни ўзлаштириш қобилиятларига мослаштирганлиги, миллий халқ ҳунармандчилигимизда нақшинкор, кулолчи, заргар, сандиқчи, каштачи ва бошқа томонидан геометрик фигураларни шарқона композицияларини қўллаши туфайли улар тайёрлаётган буюмларга чет эл фуқароларининг қизиқиши ошиб бораётганлиги ҳамда мамлакатимизнинг экспорт кудратига ижобий таъсир кўрсатаётганлигини болаларга улар таниш бўлган фактик материалларни намоиш қилиш.

Ўқувчиларни маънавий ва экологик тарбиялаш иши ўқув-тарбия жараёнининг ажралмас тарбиявий қисмидир. У тизимли равишда амалга оширишни тақазо этади. Шу боис ўқувчиларни маънавий ва экологик тарбиялаш бўйича дарсларда амалга оширилаётган ишлар синфдан ташқари машғулотлар билан уйғунлашиши керак. Чунки, экскурсиялар, фан тўғараклари, мавзули кечалар, танловлар, учрашувлар, суҳбатлар каби синфдан ташқари машғулотларнинг улуғ аجدодларимиз қолдирган бой меросни ўқувчилар кўз ўнгида уйғотиш бўйича имкониятлари беқиёсдир.

Н.Шодиев, Ф.Раджабова, Д.Сулаймонова. Таълим жараёнида ўқувчиларни экологик- маънавий тарбиялаш тизими. // «Мухандислик коммуникация тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва модернизациялашнинг замонавий масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-техник конференция. Самарқанд, 2014. 299-301 бетлар.